


МАТЁҚУБ ХАРРОТ

Муҳаммад Ёқуб харрот Қурбонниёз харрот ўғли 1865 йил таваллуд топган ва болалик чоғларидаёқ ўзининг туғма иқтидори билан Хоразм диёрининг мўътабар зотларидан Комил Хоразмийнинг назарига тушган эди. У Муҳаммад Раҳимхон Соний саройида тарбият топди ҳамда Комил Хоразмий, Муҳаммад Расул мирзолардан Хоразм мақомлар санъати ва мақом илмини ўрганишга киришади. Муҳаммад Ёқуб харрот



узоқ давом этган заҳматли меҳнатлари эвазига етук устоз даражасига кўтарилди Муҳаммад Раҳимхон Феруз саройида расман хофиз, созанда ва сарой хаттоти бўлиб хизмат қилади. Шубҳасиз, Хоразм мумтоз мақом мактабининг бугунги кунгача етиб келишида унинг хизмати каттадир.

Муҳаммад Ёқуб харрот умрининг сўнгги 20 йили шўролар замонида тўғри келди. XX асрнинг 20-йилларида Хивада ташкил этилган мусиқа мактабида мураббийлик қилиб, ёшларга Хоразм нотаси асосида мақом илмини ўргатишда жонбозлик кўрсатди. Кейинчалик Хива ва Урганч театрларида созанда бўлиб ишлади.

1934 йилда Санъатшунослик илмий-текшириш институти томонидан Хоразмга экспедиция уюштирилиб, Елена Романовская ва Илёс Акбаровлар томонидан атоқли санъаткор Муҳаммад Ёқуб харротижросида Хоразм мақомлари фонографга ёзиб олинади. Кейинроқ шу манбадан Елена Романовская ноталаштирган мақом йўллари 1939 йилда “Хоразм классик мусиқаси” номи остида нашр қилинган эди.

Ўзбекистоннинг мусиқий устозларидан мақом йўлларини потефон пластинкаларига ёзиб олиш учун Хоразмдан атоқли санъаткор Матёқуб Харротов 1935 йил Тошкентга таклиф этилади. Матёқуб Харрот Тошкентда бўлган пайтида Бухоро ва Фарғона-Тошкент водийларидан тўпланган мақом устозлари билан танишади. Сафар вақтида у таниқли шоир Абдулҳамид

Чўлпонга ўз ижодий фаолияти ва Хоразм мусиқаси тарихига оид маълумотларни гапириб берган. Ана шу фикр ва мулоҳазаларга асосланиб Чўлпон “Ота-бола санъаткорлар” мақоласини ёзган эди. Унда Чўлпон томонидан 70 ёшни қоралаган Матёқуб Харротни том маънодаги устоз санъаткор ва мақом илмининг жонли китоби сифатида гавдалантирилади. Матёқуб Харротовдан бизга мерос қолган икки жилдли Танбур чизғилари музкур соҳага тегишли энг нодир манбалардан бири ва ҳозирда Шарқшунослик институтида сақланади.

1937 йил 21августь куни Урганч давлат театр труппасида созанда бўлиб ишлаётган Матёқуб Девон Харратов қамоққа олинади. Унинг Урганч шахри, Энгельс кўчаси, 30-уйида тинтув ўтказилиб, унга тегишли барча ашёлар хатлаб олиб кетилади. Матёқуб Девон Харратовнингшахсий анкетасига кўра унинг оила аъзолари турмуш ўртоғи Солия Полвонова, ўғиллари Муҳаммад Юсуф (Чокар, бу пайтда Тошкентда радиода ишлаган), Полвонниёз (Хивада туман молий бўлимида ишлаган), Саъдулла (давлат банки ходими) ва Абдиёз (ўқитувчи)лардан иборат бўлган.У аввал Урганч турмасида сақланиб, сўнг Тошкентга этап қилинади. Тинимсиз тергов ва сўроқлар оқибатида ҳолдан тойган Матёқуб Харратов 1939 йил Зангиота турмасида 72 ёшида вафот этади...

Шу ўринда Матёқуб Девон Харратовнинг тўнғич ўғли Матюсуф Харратов Чокар ҳақида икки оғиз эслаб ўтсак. Хоразм мумтоз мусиқаси билимдони Чокар 1925 йил тараққийпарвар олим Мулла Бекжон Раҳмон билан Москвада “Хоразм мусиқий тарихчаси” китобини нашр эттирганди. Шунингдек, 1930 йилларда Самарқандда фаолият кўрсатган мусиқа институтида, Самарқанд райдосида ишлаб бутун Ўзбекистон миқёсида донг қозонган эди.

Муҳаммад Юсуф “Чокар” таҳаллуси билан ғазаллар ёзган шоир эди. У ҳам отаси каби Ферузхон, Асфандиёрхонларнинг саройида ижод қилгани учун “халқ душмани” тамғасини илмасликлари учун бутун умр чўчиб яшади. Муҳаммад Юсуф Чокар Ўзбекистонда адабиёт ва санъат соҳасидаги

хизматлари учун “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” унвони билан тақдирланди. Ижодкор 1952 йилда 63 ёшида Тошкент шаҳрида вафот этди.

Манба: Б.Ирзаев, Ю.Раҳмонова. Хоразм вилояти Хотира китоби (112-114 бет).